



## САМАРҚАНДНИНГ ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРАТУВЧИ ҚУТЛУГ ДУРДОНАСИ

### Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифининг иккинчи куни Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.



Шарқ гавҳари — Самарқанднинг ўзига хос сеҳри, жозибаси, оҳанрабои бор. Бу минглаб йиллар қаъридан дарак берувчи тарихида, ўзбек халқининг буюклиги, даҳолиги, донишмандлиги, закоси ҳақида сўзловчи илмий манбаларда, бунёдкорлигини кўз-қўз қилувчи асрларни қаритган мухташам иншооту иморатларида намоён бўлади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон кентда кўплаб илм аҳли ва алломалар улғайган, камол топган. Шу боис, бу муаззам

замин барча учун ҳамиша жозибали бўлган ва унга интилган. Азим шаҳарнинг бундай шарафли тарихи, бетакрор мероси, маърифати, маънавияти, маданияти доим ҳайратларга сабаб. Шу жиҳатдан олганда, бу кўҳна заминнинг бебаҳо бойлиги бугунги ҳаётимиз, айниқса, дунёда хотиржамлик, барқарорлик омонат бўлиб турган аини пайнда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун Самарқанднинг қадимий мейморий обидаларини сақлаш, боболар

меросини ажодларга етказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Имом Бухорий мажмуаси нафақат Самарқанд ёки Ўзбекистон, балки бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас манзиллардан бири. Чунки буюк муҳаддис олим яшаган давр вақт нуқтаи назаридан ҳам, замон нуқтаи назаридан ҳам узок ўтмиш. Лекин аллома яратган мактаб, таълим, илм, катта маърифат мерос ҳеч қандай вақтга бўйсунмайди. Зеро, у умрини бағишлаган илм барҳаёт.

Президентимиз Самарқанд вилояти Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган ушбу мажмуада бўлди.

Зиёратгоҳнинг қоқ марказида буюк муҳаддис бобомизнинг табаррук мақбараси ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор хурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдамиз. Бухорий бобомиз Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиб, бутун ислом оламида шуҳрат қозонган улуг сиймодир. Муқаддас заминимиз дунёга мана шундай машхур алломани бергани билан ҳар қанча фахрланасак, арзийди.

Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бутун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мактабига, юксак макомига муносиб даражада бунёд этишига муяссар бўлдик. Мана шундай табаррук маскан барчамизга муборак бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, Имом Бухорийнинг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси дунё миқёсида эътибор топган. Ёшлигиданоқ илмга эҳтиёжи зўр, зехни ўткир бобомиз ўн олти йил давомида олти юз минг ҳадисни ажратиб, уларни тартибга солиб, улкан асар яратгани ҳам ҳайратланарли, ҳам дунё мусулмонлари учун беқиёс ҳазинадир.

Президентимиз Имом Бухорий мажмуасида ақлунига етган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шайхона билан танишди.

Мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббус билан буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак мактеби, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.

▶ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадри ва тавандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат айёми — муқаддас Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукҳли онларда барчамизни мана шундай файли ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман.

Кейинги йилларда шаклланган аънамизга мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам сизлар билан, халқимиз билан биргаликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик.

Аввало, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, беморларга зарур tibбий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга моддий қўмақ тариқасида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий реестрдаги ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланган беморга tibбий ёрдам кўрсатишда, жумладан, оғир касаллар операция йўли билан даволанмоқда.

Шунингдек, аҳолига 100 минг дон Рамазон совғалари тарқатилди. “Рамазон туҳфаси” лойиҳаси доирасида эса эҳтиёжманд оилалар, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида яшовчилар ҳамда хориждаги ватандошларимиз учун 30 мингдан ортиқ ифторлик тадбирлари ўтказилди.

Бундай олижаноб ишлар муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотларимизнинг улкан амалий натижалари сифатида барчамизни хурсанд қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз тарраққийтининг янада муҳим босқичига қадам қўймоқда. Кенг кўламли янгиланиш жараёнлари туфайли ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш ва юксалиш суъратлари ортиб бормоқда. Диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом цивилизациясининг бой меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ўтган йили Бухоро шаҳрида тасавуф таълимотининг ёрқин намояниси, буюк авлиё бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номидagi илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганини эсга олиш ўринlidir.

Бу йил эса, мана шу қутлуғ ва муборак кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги

Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиши халқимизга ўзига хос Рамазон туҳфаси бўлди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида калом илмининг султони Имом Мотуриддиннинг Самарқанд шаҳридаги мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида эса яқин кунларда Халқаро бағрикенглик ва динлараро мулоқот маркази фаолиятини йўлга қўямиз. Ушбу марказ Ватанимизнинг миллатлар ва динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади деб ишонаман.

Хурматли юртдошлар! Жаҳондаги ҳозирги гоъта мураккаб вазиятда оила ва маҳаллаларда, бутун мамлакатимизда осойишталик, файзу барака муҳитини сақлаш, ёшларимизни ёт ва бузғунчи гоълар таъсиридан асраш ўта долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Биз бу борада катта ҳаётий тажрибага эга бўлган муҳтарам отахон ва онахонларимиз, жонқуяр ака-ука ва опа-сингилларимиз, хурматли зиёли ва уламоларимизга, маҳалла фаоллари ҳамда ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Ушбу улуг айём кунларида жаҳоннинг турли ҳудудларидаги уруш ва низолар тезроқ барҳам топиб, барча халқлар тинчлик ва барқарорликда ҳаёт кечиршини тилаб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги мусулмон биродарларимизни қутлаб, самимий салом ва тилакларимизни йўлаймиш.

Хорижда байрам шукҳи билан яшаётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, уларнинг ишлари ва ўқишларига муваффақиятлар тилаймиш.

Қадри ва муҳтарам юртдошлар! Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилиб турган ушбу қутлуғ дамларда сиз, азизларни Ийд ал-Фитр байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сийхат-саломатлик, бахт-саодат, хондонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Рамазон ойида тутган рўзаларимиз, қилган эзгу амалларимиз қабул бўлсин! Парвардигори олам эл-юртимизни Ўз панонаҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 март куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Сўхбатда Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилишида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабати

ларини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлаш барқарор ортиб бораётгани, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларда қўша кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар, шунингдек, Яқин Шарқдаги вазиятни муҳожама қилдилар. Унинг янада

кескинлашиши кенг минтақа учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга, жаҳон иқтисодийёти рецессиясига олиб келиши мумкинлиги, вазиятни фақат сиёсий-дипломатик воситалар билангина тез фурсатда юмшатиш зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

## МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, маҳалланинг Янги Ўзбекистон ҳаётдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, юртимизда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш орқали инсон қадрини улғулаш, маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш борасидаги катта хизматлари, жамиятимизда ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, азалий эзгу аънамаларимизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**“Меҳнат шуҳрати” ордени билан**

**Каландарова Муборак Дурдибоевна** — Олот туманидаги “Бувижонлар мактаби” жамоатчилик кенгаши раиси, Бухоро вилояти

**Худайбергана Мадрахим Худайбергана** — Богот туманидаги “Каттабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раисининг ўринбосари, Хоразм вилояти

**“Дўстлик” ордени билан**

**Булокова Дилфуза Хотамовна** — Оқдарё туманидаги “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Жанисбоева Алия Мехмонкуловна** — Бўка тумани 9-оилавий поликлиникаси-

нинг “Самарқанд” маҳалла фуқаролар йиғинидаги патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти

**Инагамов Жовдатхон Султанович** — Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раисининг биринчи ўринбосари

**Лутфиллаева Салима Боймирзаевна** — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг “Чорсу”, “Озод” ва “Ғиштқўприк” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўламазорлаштирувчи — гул экувчиси, Наманган вилояти

**Машарипов Юсупбай Атаханович** — Эллиққалъа туманидаги “Шарқ юлдузи” овул фуқаролар йиғинининг Янги Ўзбекистон кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси

▶ Давоми 2-бетда

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган, руҳий поклик, мустаҳкам имон, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, биродарлик ва бирдамлик каби юксак қадриятларни ўзида муҷассам этган Рамазон ойи ҳамда муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Табриқномада кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва раванқ тилаклари изҳор этилиб, мамлакатимиз билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилиш қатъий экани билдирилган.

Хусусан, қуйидагилар ўз табриқларини йўлаган:

- Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
- Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
- Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;
- Қозғоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқоаев**;
- Қирғиз Республикаси Президенти **Садыр Жапаров**;
- Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
- Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амрлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зайд Ол Наҳаён**;
- Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
- Эрон Ислам Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён**;
- Покистон Ислам Республикаси Президенти **Асиф Али Зардорий**;
- Покистон Ислам Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф**;
- Қувейт Давлати Амири **Шайх Мишғал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Қувейт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ ал-Ҳалид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Туркиқ Ол Саид**;

Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад бин Исо ал-Халифа**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Ливия Давлати Президент кенгаши раҳбари **Муҳаммад Юнус ал-Манфи**;

Афғонистон Бош вазири вазифасини бажарувчи **Мулла Муҳаммад Ҳасан Охунд**;

Комор ороллари Иттифоқи Президенти **Ғазали Усманий**;

Исроил Давлати Президенти **Ицхак Герцог**;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (UNESCO) бош директори **Ҳалид ал-Ананий**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермекаев**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерроп тузилмаси Ижроия қўмитаси директори **Уларбек Шаршеев**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Қубаничбек Омуралиев**;

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим**;

Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**;

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO) бош директори **Салим ал-Малик**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Хон**;

Қурфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Жасим Муҳаммад ал-Будайвий**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Шайхулслам Оллошқур Пошозода**.

Табриқлар келишида давом этмоқда.



# САМАРҚАНДНИНГ ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРАТУВЧИ ҚУТЛУҒ ДУРДОНАСИ

## Бошланиши 1-бетда

Хусусан, мажмуа ҳузурда туризм маркази очилди. Ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилди. Жумладан, 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 176 ўринли 22 та оилавий меҳмон уйи ҳамда автотурароқ қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Натижада Имом Бухорий мажмуаси илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир кунига 65 минг зиёратчини қабул қилиш қувватига эга.

Мажмуанинг ўзи Самарқанд, янги Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлиб қад ростлади. Унинг майдони 45 гектарни ташкил этади. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устуни, миллий услубдаги муҳташам айвон қурилди.

Мажмуа таркибида энг илгор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей барпо этилди. У ислом оламида муҳаддислар сўлтони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Куръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайгамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамлангани ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Қадамжада 14 та мовий гумбаз, 75 метрли 4 та минора унга улғувор қиёфа бағишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари туризм маркази ва масжидда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

**Бир ярим минг йиллик ислом тарихини, илм-маърифатини юртимиздан етишиб чиққан буюк олим уламоларнинг номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу кунларда расман очилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.**

Бутун мусулмон оламида ҳадис илми ҳақида гап кетса, ҳеч шубҳасиз, бизнинг диёримиз биринчилар қаторида тилга олинади. Чунки Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк ҳадисшунос олимлар айнан мана шу замин фарзандларидир.

Хусусан, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” китоби дунёда тан олинган энг мўътабар олтига ҳадис китобининг биридир. Ун ёшидан бошлаб ҳадис илмини ўрганган аллома бобомиз 20 дан ортқ асар ёзган. Улар то хануз дину диёнатиимизни мустаҳкамлаш йўлида ислом умматига хизмат қилиб келмоқда.

**Президентимиз харгал Самарқандга келганида мажмуанинг қурилиш жараёни билан танишиб, бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаган.**

— Ушбу бетакрор қурилиш янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини аяқол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратадиган қутлуғ масканга айланади деб ишонаман. Амминанки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етади, тўғри йўлдан адашмайди, — деди Президентимиз.

Шунинг учун Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни чинакам тарбия ва ибрат мактабига айлантириш, бу ерда имомхатиблар, маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бу ердаги барча ишлар якунига етганини ҳисобга олиб, янги қурилган муҳташам масжидда Ҳайит намозини адо этиш тақлиф қилинди, бу мўмин-мусулмонларимиз, бутун эл-юртимизнинг кўнглидаги иш, халқимизга муносиб Рамазон совғаси бўлиши қайд этилди.

Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси ана шундай манзил ва мислсиз бойлигимиздан бири.

Президентимиз ушбу мажмуада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, ўтган йили юртимизда ақида илми асосини Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонини ҳудудда Имом Мотуридий мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштиришга киришилганди.

Айни пайтда мажмуа ва унинг атрофида қурилиш-ободонлаштириш давом этмоқда. Умумий майдони 10,2 гектар бўлган ҳудудда Имом Мотуридий мажмуаси қайта қурилиб, 250 ўринли масжид, кириш пештоқи, кутубхона, музей ва автотурароқ бунёд этилмоқда.

Шунингдек, қурилиш ишлари жараёнида Чокардиза қабристонига буюк фақиҳ Бурхониддин Марғиноний дафн этилган жой ҳам аниқланиб, бу ерда мақбара қурилмоқда.

Авалло, алломалар ёдга олинди, Куръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, ушбу маскан дунё мусулмонлари талпинадиган зиёрат манзилларидан бири эканини қайд этди, бу ерда улар учун замон талабларига мос шароит яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Мажмуага келган киши, аввало, Имом Мотуридий бобомизнинг илмий-маънавий мероси, ислом оламида тутган макъен ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиши, алломанинг маърифатпарвар қарашлари бугун ҳам долзарблигини ҳис қилиши керак, — деди Президентимиз.

Қурилишни сифатли ва ўз вақтида бажариш, ҳудудда яшил майдонларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Бугунги айём кунларида улғу аждодларимиз ва бу дунёдан ўтган яқинларимизни ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини эслаш хайрли амаллардан экани таъкидланди.

Шу билан Президентимизнинг Самарқанд вилоятига таширифи якунланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

## Бошланиши 1-бетда

**Раҳмонов Эркин Холлиевич** — Ангор туманидаги “Тўлқин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Ҳазиратқулов Баҳодир Мирзаевич** — Гулистон туманидаги “Шарқ ҳақиқати” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Юлдашева Мархабо Ғамбаровна** — Фориш туманидаги “Хонбанди” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти

## II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Аллаева Зулфия Ҳазратқуловна** — Шахрисабз туманидаги “Мираки” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳат гуруҳи раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Саатова Зулайха Очиловна** — Тошкент шаҳар бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийси

**Тошланова Ходисахон Отажоновна** — Пахтабод туманидаги “Маърифат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Эназаров Иzzатилла Саибович** — “Нуроний” жағмарасининг Бувайда тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти

## II даражали “Саломатлик” ордени билан

**Айдарова Жулдизай Разаковна** — Қонимех тумани 6-оилавий поликлиникасининг “Тўққизтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги оилавий шифокори, Навоий вилояти

## “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Ахмедов Санжар Бахтиёрвич** — Ромитан тумани ички ишлар бўлимининг “Қумрабод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилектика катта инспектори, Бухоро вилояти

**Мамаджонов Донёрбек Икромжон ўғли** — Мингбулоқ тумани ички ишлар бўлимининг “Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилектика катта инспектори, Наманган вилояти

## “Жасорат” медали билан

**Хайитов Сайитназар Атоқулович** — Иштихон туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, темирчи уста, Самарқанд вилояти

**Юлдашева Моҳидил Шадманбековна** — Андижон шаҳридаги “Яхши” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Андижон вилояти

## “Соғлом турмуш” медали билан

**Ёдгоров Улғубек Бахтиёрвич** — Данғара туманидаги “Фирдавс Юнусов” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Турабова Лутфия Нормуминовна** — Пахтачи туманидаги 4-оилавий болалар уйи раҳбари, Самарқанд вилояти

**Юлдашева Муъссар Таировна** — Мирзо Улғубек туманидаги “Оқйўл” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

## “Келажак бунёдкори” медали билан

**Абдуллаев Йўлғали Сайдулло ўғли** — Жарқўрган туманидаги “Young Adults” ўқув маркази директори, Сурхондарё вилояти

**Аҳмадов Сирожиддин Содиқ ўғли** — Гулистон шаҳридаги “Ибратли” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Сирдарё вилояти

**Мухитдинов Низомиддин Нажмиддин ўғли** — Зангиота туманидаги “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент вилояти

**Холматов Меҳроब्бек Эркин ўғли** — Чилонзор туманидаги “Тирсақобод” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент шаҳри

## “Шуҳрат” медали билан

**Ахмедов Қиличбек Дадапариевич** — Олтиариқ тумани “Зилло” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

**Байжанова Мақсуда Худайбергеновна** — Урганч тумани солиқ инспекциясининг “Чўлбод”, “Оёқбоғ” ва “Янги Ўртабод” маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ катта инспектори, Хоразм вилояти

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2026 йил 19 март

## III. МИРЗИЁЕВ

**Икромов Давронбек Илхом ўғли** — Пискент тумани “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти

**Қазақбаев Полат Торебаевич** — Қўнғирот туманидаги “Таллик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Касимова Хасият Улуковна** — Сурхондарё вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийси

**Қодиров Аслидин Бахтиёр ўғли** — Галларол туманидаги “Маданият” қишлоқ фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Жиззах вилояти

**Кодирова Муфаззал Арслоновна** — Андижон вилояти тарғиботчилар гуруҳи раҳбари

**Муродов Собур Ғаниевич** — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг миллий кадрларни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўлими бош мутахассиси

**Соҳиева Гулшод Жобборовна** — Қамати туманидаги “Гиштли” ва “Бойбўри” маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Қашқадарё вилояти

**Усмонов Зухриддин Муҳиддинович** — Бухоро тумани “Шехонча” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Бухоро вилояти

**Хакимов Даврон Нурмухамедович** — Поп туманидаги “Vodiy trade center” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Хасанова Фарида Рахматуллаевна** — Сергели туманидаги “Фароғат” маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Тошкент шаҳри

**Худойқулова Мунира Суннатиллоевна** — Нурота туманидаги “Munira New Brand” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Эгамбердиев Фаррух Усманиевич** — Янгйўл тумани солиқ инспекциясининг “Шодлик” ва “Дўстлик” маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ бош инспектори, Жиззах вилояти

## Муносабат



**Равшан ФОЗИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты**

**Халқ билан мулоқот ҳаётидаги муаммоларни ойдинлаштиради. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, одамлар орасида юриб, уларнинг дарду-ташвишларига шерик бўлиш, фикр-мулоҳазаларини эшитиб, муаммоларини тезкор ва самарали ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк йиллариданоқ ишчи халқ кўнглига йўл топишдан бошлади. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, дардини эшитди. Одамларни қийнаётган муаммоларни уйма-уй,

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

хонадонма-хонадон кириб аниқлаш тизимини йўлга қўйди. Халқимиз оғирини енгил қилиш, уни ўйлангиратган масалаларга ечим топиш бўйича вазир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди.

Президентимиз қаерга бормасин, аҳоли билан учрашиб, уларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, дуч келаятган муаммоларига алоҳида эътибор берди. Халқнинг оғирини енгил қилиш, одамларни ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Шу орқали одамлар қалбига йўл топилиб, уларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди.

Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани фуқароларда муаммоларини ҳал қилиш имкончилигига катта умид ва ишонч уйғотди. Давлат идораларининг аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишланган бошлагани натижасида аҳолини кўп йиллардан буён ўйлангиратган келаятган муаммолар қисқа фурсатда ҳал этилди.

Сунгги тўққиз йилда нафақат одамларнинг ҳар лаҳза оғир тегирмон тошидек елкасида юк бўлиб келган энг катта дарду ташвишлари ариди, балки халқ ҳаётидан узил-кўрилган айрим раҳбарлар уларнинг ичига юришга, фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, дарду ташвиши билан яшагга ўрганди. Раҳбарлар ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот умуман бошқача кўриниш касб этди ҳамда жамиятда адолатни қарор топтириб, уларни аҳолига яқинлаштирди.

Айниқса, барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилгани маҳаллаларда тадбиркорлик кенг ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилишига, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустаҳкамланиб, жиноятчилик камайишига замин яратди. Бугун кўндалма масалалар туман ёки вилоят марказига бориб эмас, балки шу ернинг ўзида бартараф этилаётгани одамларнинг ҳам вақтини, ҳам харажатини тежамоқда.

Дарҳақиқат, халқ билан мулоқот, одамларни рози қилиш янги Ўзбекистон сиёсатининг фалсафасига айланди. “Инсон қадрини таъминлаш, аҳоли турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилаётгани ички йўллари таъмирлаш, электр, газ ва сув таъминотини яхшилаш, тадбиркорлик учун зарур шароитлар яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, бу маблағлар аҳоли ҳаётига ижобий таъсир қилиб, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш, ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечирishiга замин ҳозирлайди.

Президентимиз раислигида шу йил 13 март куни аҳоли мурожаатлари билан

**“ Давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишонч, очкиқлик ва ҳамкорлик жамият ривожининг мустаҳкам пойдеворини яратди. Шунинг учун ҳар бир раҳбар халқ дардини эшитишни, унинг муаммоларига ечим топишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олиши зарур.**





# ТАМАДДУН



## тафаккури

Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданиятининг, Янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва буюк маъмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## “ЯНГИ ЎЗБЕКISTON” ГАЗЕТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИХА — “ТАМАДДУН ТАФАККУРИ”

Жамият маънавий кудратга эришганида мамлакат мислсиз юксалишга эришади. Бу кудрат тарихий илдиждан куч олиб, эртанги кунга бўлган ишонч билан мустаҳкамланади. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар халқимиз қалбига ана шундай тарихий кучни ва барча соҳада бирдек илғор ривожланиш иштиёқини тақдим этмоқда. Буни Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг бунёд этилиши ҳам тасдиқлайди.

Ушбу мухташам дурдонанинг Бош меъмори — Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислам цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимида илм-фан ва маданият фидойиларига, хусусан, журналистларга муражаат қилиб: “Ислам цивилизацияси марказида тўплаган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунаси. Уларни тартиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянамиз.

Бу тенгсиз бойликдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадиий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва курсатувлар уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин!

Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин!

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий гурур мактабига айлансин!”, дея алоҳида таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ушбу чақириқдан илҳомланиб янги лойиҳа бошлади. Унга кўра, ижодий жамоамиз “Янги Ўзбекистон” газетасида ҳар ҳафтанинг жума кунини “Тамаддун тафаккури” номли махсус кўшимча саҳифалар тақдим этиб боради.

“Тамаддун тафаккури” инсоният маънавий ва ижтимоий тараққиётининг энг юқори нуқтасини ифодалайдиган концептуал тушунча. Жумладан, тамаддун ривожланиши, юксак маданият, қонун устуворлиги ва

ижтимоий тартиб дерак. “Тафаккур” эса воқеликни англашнинг олий шаклидир.

Шу маънода, “Тамаддун тафаккури” жамиятнинг тараққиёт стратегияси, миллий ўзлики ва умуминсоний қадриятларни бир нуқтада жамлаб, халқимизни асрлар мобайнида интиқиб кутган орзу-мақсадлари — Учинчи Ренессанс сари бошлаб борувчи интеллектуал ва маънавий кудратни англайди.

Махсус саҳифаларимизда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази меҳвариди ҳаётини фалсафани, унинг бор мазмун-

моҳиятини, тарихий аҳамиятини кенг тараннум этадиган таҳлилий мақолалар, олимлар, соҳа мутахассисларининг чиқишлари бериб борилади. Бу билан шонли тарихимиздан сўзловчи энг ноёб экспонатлар ҳақидаги қизиқарли маълумотларни, илмий марказнинг Учинчи Ренессанс яратилган ўрни ва аҳамиятини халқчил ёритиб боришга ҳаракат қиламиз.

Мақсадимиз — бу маълумотларни ўқиган халқимиз Ислам цивилизацияси марказини бориб кўришга, қадим тарихимиз билан фахрланиб, порлоқ келажакимизга ишончи янада мустаҳкамлашишга хизмат қилсин. Мухташам маърифат қасрига ташриф буюрганлар эса газетамиздаги мақолалар, маълумотлар билан танишиб, уни қайтадан кашф этсин.

Ушбу чиқишларнинг оммабоплигини таъминлаш мақсадида тахририятимизнинг расмий [www.yuz.uz](http://www.yuz.uz) веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги [t.me/yuz\\_official](https://t.me/yuz_official), [fb.com/yuz.uz](https://fb.com/yuz.uz), [uzNews, instagram.com/yuz.uz\\_news](https://uznews.instagram.com/yuz.uz_news), [youtube.com/@YUZ](https://youtube.com/@YUZ) саҳифаларида ҳам видео ва фото лавҳалар, суҳбатлар, репортажлар, таҳлилий ва ахборий материаллар тизимли равишда бериб борилади.

Зеро, бутун дунёни лол қолдираётган ушбу мухташам маскан фалсафасини банд пардаларда тараннум этиш барчамизга, шу жумладан, бизнинг тахририят жамоасига ҳам гурур-ифтихор бағишлайди.

Тахририят

### МАРКАЗНИНГ БУНЁД ЭТИЛИШ ХРОНОЛОГИЯСИ

**2017 ЙИЛ 21 АПРЕЛЬ.** Президентимиз Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуасига ташрифи чоғида мазкур ҳудудда Ислам маданияти марказини барпо этиш гоёсини илгарти сурди.

**2017 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ.** Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида маълум қилди. Муқаддас динимиз эзгулик ва тинчлик, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлаш, илм-маърифатга даъват этишини, уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганлар билан мурося қилиб бўлмаслигини қатъий таъкидлади.

**2018 ЙИЛ 15 ИЮНЬ.** Президентимиз Ислам цивилизацияси маркази пойдеворида рамзий тамал тоши қўйди ҳамда унинг буюк аждодларимиз илмий меросини тарғиб қилувчи етакчи муассаса бўлишига умид билдирди.

**2019 ЙИЛ 20 НОЯБРЬ.** Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон Ислам цивилизацияси марказига яна бир бор ташриф буюрди.

**2021 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ.** Президентимиз Ислам цивилизацияси марказида бажарилаётган қурилиш ишлари билан таништи. Ташриф чоғида ушбу концепциянинг тақдими ўтказилди.

**2022 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ.** Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага яна ташриф буюрди.

Бажарилган ишларни кўздан кечириб, кўрам ва сифатли қилиб қуриш билан бирга мажмуанинг мазмунига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

**2025 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ.** Давлатимиз раҳбари Ислам цивилизацияси марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништи. Қурилиш ишлари ва экспозиция билан танишиш жараёнида Президентимиз марказ фаолиятини ташкил этиш, унинг маъно-мазмунини янада бойитиш ва такомиллаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

**2025 ЙИЛ 29 АВГУСТ.** Президентимиз марказга ташриф буюриб, сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди.

**2025 ЙИЛ 20 ОКТЯБРЬ.** Давлатимиз раҳбари Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ердаги экспозициялар орқали халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этишга қаратилган ишлар билан таништи.

**2026 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ.** Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида марказ Рамазон ҳайити арафасида очилиши маълум қилинди.

**2026 ЙИЛ 17 МАРТ.** Мамлакатимиз раҳбари Тошкентдаги Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюриб, 8 йиллик бунёдкорлик ишларидан сўнг ушбу ноёб мажмуани расман очиб берди.

### Янги Ўзбекистон орзуси



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Аллоҳ таолога беҳисоб ҳамду санолар бўлсинким, юртимизда кейинги йилларда маънавий ҳаётимиз юксак поғоналарга кўтарилиб, муқаддас динимиз қадриятларига эътибор тобора орғиб бормоқда. Ана шундай улғу ва тарихий воқеалардан бири — Ислам цивилизацияси маркази бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши халқимиз учун чинакам улкан маънавий байрам, десак айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

### ЗАКОВАТ ВА ЮКСАК МАДАНИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

Бу мухташам маскан юртимизнинг бой тарихи, бебаҳо маънавий мероси, асрлар давомида шаклланган илм-маърифат анъаналарининг ёрқин тимсоли сифатида барпо этилди. Зеро, муқаддас динимиз инсонни доимо илмга, маърифатга, эзгулик ва қомилликка қорлаб келади. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятдаёқ “Иқро!”, яъни “Ўқи!”

деб амр қилинган ҳам бу йўлнинг нақадар улғу ва шарафли эканини кўрсатади. Марказнинг Улғубек дарвозаси пештоқи-га ушбу муборак оят муҳрлаб қўйилгани замирида ҳам ана шундай чуқур маъно-мазмун мужассам.

► Давоми 4-бетда

### Буюк ўзбек йўли



Салим ДОНИЁРОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Биз уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқимизнинг энг бахтли вакилларимиз. Зеро, не-не аждодларимиз орзу қилган қатта тарихий воқеликни бошдан кечиряпмиз. Янги Ўзбекистон гоёси атрофида бирлашиб, Учинчи Уйғониш даврининг пойдевори яратилиши жараёнида иштирок этипмиз. Буни англаш, билиш учун мамлакатимиздаги ислохотларни таҳлил қилиш керак.

### ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — ИЛМ, МАЪНАВИЯТ ВА УЙҒОНИШ МЕҲВАРИ

Бутун биз, ҳеч шубҳасиз, кўп миллатли халқимиз билан биргаликда янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратяпмиз. Гап шундаки, Президентимизнинг бевоқиф ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг мазмун-моҳиятини терефроқ англаб бора эканмиз, ушбу марказни тараққиёт йўли-мизининг янги босқичи, дейиш мумкин.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихимизнинг қат-қатларида яшириниб ётган миллатимизнинг сўнмас даҳоси кейинги ўн йиллик тараққиётимиз босқичида яна қайта

бўй кўрсата бошлади. Бу эврилиш даврини Ўзбекистон Лидери Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда бошланган мега лойиҳа — Ислам цивилизацияси маркази бунёд этилиши орқали аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўёбга чиққани билан изоҳлаш мумкин бўлади. Шунинг ўзиёқ юқоридаги фикримизнинг аққол далилидир.

► Давоми 5-бетда



# ЗАКОВАТ ВА ЮКСАК МАДАНИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

## Бошланиш 3-бетда

Президентимиз таъкидлаганидек, биз юртимизда ривожланган давлат, эркин жамият пойдеворини бунёд этиш учун, энг аввало, илм ва илм, таълим ва яна бир бор таълим деган олий мақсадни ҳаётимизга жорий этмоқдамиз. Шу маънода, Ислам цивилизацияси маркази нафақат аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қиладиган илмий-маърифий даргоҳ, айни вақтда ўтмиш ва бугунни, аниқана ва тараққиётни, маънавият ва замонавийликни ўзаро уйғунлаштирган нодир маскан бўлишига иймонимиз қомил.

Юртимиз замини азал-азалдан илм-маърифат, заковат ва юксак маданият бешиги ўлароқ дунё тамаддунида алоҳида ўрин тутади. Мовароуннаҳр диёрида етишиб чиққан буюк алломалар, муҳаддислар, мусассир ва мутафаккирлар инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшганлар. Уларнинг илмий мероси асрлар давомида нафақат ислом олами, балки жаҳон илм-фани тараққиётига улкан таъсир кўрсатган. Айниқса, ҳадис илмининг сўлтони бўлган Имом Бухорий, буюк муҳаддис Имом Термизий, ақида илмининг забардаст намояниси Имом Мотуридий, шунингдек, астрономия, тиббиёт, математика ва бошқа фан соҳаларида юксак натижаларга эришган Абу Райҳон Бируний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек каби улғу зотларимиз номи жаҳон илм осмонида ёрқин юлдузлар каби порлаб турибди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Илм излаш ҳар бир мусулмон учун фарзdir”, деган муборак ҳадислари ҳам бу йўлнинг нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди. Шу боис, юртимизда илмга ҳурмат, улғу зотларга эҳтиром ва улар қолдирган улкан меросни асраб-авайлаш азаллий қадриятларимиздан. Ислам цивилизацияси маркази барпо этилгани эса аждодларимиз қолдирган ана шу бебаҳо илмий ва маънавий дурдоналарни янада чуқур ўрганиш, кенг тарғиб этиш, жамоатчиликка ва келажақ авлодларга безавол етказиш йўлида муҳим қадам бўлди.



“Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Мусхаф марказда Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан бир маконда жойлаштирилди. Бу қарорда ҳам чуқур маъно мужассам: илоҳий калом билан диний идора фаолиятининг бир-бирига уйғун ҳолда бўлиши ислом анъаналарига тўла муносибдир.

Муҳташам масканга қадам қўйган ҳар бир инсон, аввало, аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, уларнинг бекиёс илмий ва маърифий фаолияти, бу ерда жамланган

манбалар, қўлёзмалар ва илмий экспозициялар билан танишар экан, қалбида ўзига хос ифтихор ва масъулият туйғуси уйғониши табиий. Президентимизнинг “Ушбу марказ

маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятимиз учун фундаментал база бўлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларни

шу ерда ўқийди, ўқитувчи-домлалар эса ўз bilim ва малакасини оширади. Марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак”, дея ишонч билдириши бежиз эмас, албатта. Демак, марказ ўз моҳияти ва мазмун билан ўтмиш ва бугунни ўзаро боғлаб турган маънавий кўприк вазифасини бажармоғига шубҳа йўқ. Айниқса, марказда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларига оид бой тарихий ва илмий манбалар жамлангани юртимиз замида кечган буюк Уйғониш даврларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, бугунги кунда илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс гоёси нақадар мустаҳкам илдиизларга эга эканининг яққол намояниси.

Муқаддас Қуръон зали эса ушбу муҳташам масканнинг ҳақиқий қалби сифатида алоҳида маънавий-руҳий аҳамият касб этади. Чунки бу ерда бутун инсоният учун ҳидоят манбаи бўлган илоҳий калом — Қуръони каримнинг энг қадимий ва нодир нусхаларидан бири бўлган мўтабар Усмон Мусхафи жойлаштирилган. Ушбу муқаддас китоб асрлар давомида турли замон ва маконлар оша неча-неча тарихий синовларга гувоҳ бўлган бебаҳо меросдир. Айрим манбаларда қайд этилишича, XIV аср охирида Амр Темур томонидан Самарқандга олиб келинган ушбу Мусхаф бир неча аср давомида асраб-авайланган.

Кейинги йилларда Усмон Мусхафи Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидоги Мўйин муборак мадрасасида сақланиб келди. Аллоҳнинг инояти ва юртимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2025 йил 13 ноябрь куни бу ноёб ва муқаддас китоб Ислам цивилизацияси марказининг муқаддас Қуръон залига олиб келиниб, ўзининг юксак мақомига муносиб шарофатли ўринга қўйилди. Бу эса, шубҳасиз, юртимизда муқаддас динимизга, унинг илоҳий манбасига бўлган юксак эҳтиром ва садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Мусхаф марказда Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан бир маконда жойлаштирилди. Бу қарорда ҳам чуқур маъно мужассам: илоҳий калом билан диний идора фаолиятининг бир-бирига уйғун ҳолда бўлиши ислом анъаналарига тўла муносибдир.


Шунингдек, Президентимиз топиригиға биноан, ушбу зал деворларида Қуръони карим оятлари туширилган саккизта ипак гиламнинг тўрт равоқда жойлаштирилгани ҳам залнинг маънавий муҳитини янада бойитган. Бу гиламлар гўёки илоҳий каломнинг гўзал ифодаси сифатида қалбларга нур улашади, инсонни тафаккурға, ибрат олишға чорлайди. Зеро, Қуръони каримда: “Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларға, албатта, ўшаларға, улғу ажр борлиғи хушхабарини берур”, деб марҳамат қилинган. Дарҳақиқат, бу муқаддас китоб инсоният учун ҳидоят, қалблар учун шифо, ҳаёт учун дастурдир. Бундай муқаддас масканда бўлиш инсонни ўз-ўзидан тафаккурға чорлайди, қалбида шукр, ихлос ва эзгуликка интилиш туйғуларини уйғотади.

Яна бир масала хусусида ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиз. Юртимизда амалга оширилаётган ана шундай улғу ишлар, барпо этилаётган маънавият масканлари, қайта тикланаётган муқаддас қадамжолар ва бунёдкорлик ишларининг барчаси халқимизнинг қалбида шукр, ифтихор ва умид туйғуларини янада мустаҳкамлаётганининг шохиди бўлиб турибмиз. Яратган Роббимизга ҳамдлар бўлсинки, ана шундай хайрли ишлар юртимизда кенг қўлоқ ёймоқда. Минглаб, миллионлаб юртдошларимиз бугун қўл очиб, Ватанимиз тинчлиғи, халқимиз фараонлиғи, эзгу ишлар бардавом бўлиши учун дуо қилмоқдалар. Бу дуолар, иншааллоҳ, ижобат бўлиб, диёримизда янада кўпроқ барака ва файз-зарафшонлик қарор топади.

Шу ўринда барча уламо ва мўмин-мусулмонлар номидан юртимизда маънавий-маърифий соҳадиги улкан ислоҳотлар, муқаддас қадамжоларни обод этиш, ислом қадриятларини асраб-авайлаш йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик изҳор этамиз. Бу каби эзгу ишлар, шубҳасиз, халқимиз қалбида чуқур эҳтиром ва розилик туйғуларини уйғотмоқда.

Аллоҳ таолодан маю шундай муборак Ҳайит айёмларида дуо қилиб сўраймиш, юртимиз тинч ва осойишта бўлсин, халқимиз фаровон ва бахтли яшасин, амалга оширилаётган барча хайрли ишларга Ўзи барака ато этсин. Юртимизга кўз тегмасин, эл-юртимиз осмон мусофабо, барчамизнинг эзгу ниятларимиз ижобат бўлсин. Аллоҳ таоло доимо диёримизни тинчлик ва хотиржамлик неъматига ила сийласин.

## ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ 10 МУЗЕЙИ РЎЙҲАТИГА КИРИТИЛГАН МУҲТАШАМ МАЖМУА ҲАҚИДА МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР



Салкам 10 гектар майдонда барпо этилган мажмуанингу узунлиғи 161 метр, эни 118 метр, гумбазининг баландлиғи 65 метр. Бинонинг умумий фойдаланиш майдони 50 минг квадрат метрни ташкил этади.

Экскурсоводлар жамоаси: 30 дан зиёд. Ўзбек, рус, инглиз, араб, француз, турк ва корейс тилларида экскурсия хизмати мавжуд.



Муқаддас Каъба ёпинчиғи (кисва)нинг 2025 йили Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Ўзбекистон раҳбарига туҳфа қилган парчасини кўриш мумкин.



Аудио, видео ресурслар учун замонавий қурилма — Sonic chair технологияси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам илк маротаба марказ кутубхонасига ўрнатилди.

Экспозицияларнинг ички монтаж ишларига “Magister Art”, “Outdoor Factory”, “Sila Sveta”, “Авеста”, “Планета 9”, “Top Congress” каби маҳаллий ва хорижий компаниялар жалб этилган.



Халқаро илмий ҳамкорлик: ICESCO, IRCICA, TURKSOY сингари халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шунингдек, турли хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот институтларини жойлаштириш режалаштирилган.



Қуръони карим зали: 4 та равоқда 8 та ипак гилам намойиш этилган. 65 метр баландликдаги гумбаз остида қимматбаҳо тошлар билан безатилган 50 тонналик йирик қандил ўрнатилган.



Кутубхонанингу умумий майдони 3 минг 105 квадрат метрни ташкил қилади. Унинг фонди 45 минг 150 тадан зиёд адабиётни қамраб олган бўлиб, шундан 2 минг 609 таси нодир нашрлардан иборат. Кутубхонада кўриш имконияти чекланганлар учун алоҳида дастурлар, принтер ва қурилмалар ўрнатилган. Брайл ёзувидаги мингдан ортиқ адабиёт олиб келинган.



### ХАЛҚАРО ОАВ НИГОҲИДА

Prix Avicenne: 2025 йили марказ Абу Али ибн Сино меросини тадқиқ ва тарғиб этишдаги улкан хизматлари учун Европанингу нуфузли мукофотиға сазовор бўлди. Smithsonian Magazine: АҚШнинг машҳур нашри марказни 2026 йили очилиши энг кўп кутилаётган дунёнинг нуфузли 10 музейи рўйхатиға киритди. Prix Versailles: 2026 йилда марказ жаҳоннинг “Энг гўзал музейлари” глобал рўйхатидан жой олди. Condé Nast Traveler: нуфузли нашр марказни 2026 йил июнда бориб кўриш тавсия этилаётган энг яхши музейлар қаторига қўшди. BBC Travel: марказ дунё микёсидаги энг кўп кутилган маданий масканлардан бири сифатида эътироф этилди.

Буюк ўзбек йўли

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — ИЛМ, МАЪНАВИЯТ ВА УЙҒОНИШ МЕҲВАРИ

Бошланиши 3-бегда

Очиғи, марказ ҳақида гап кетганида, унга нисбатан тарихий ҳақиқат, маърифат жавҳари деган кўплаб таърифларни келтириш ўринли. Мухими, буларнинг ҳеч бири муболага бўлмайди. Аммо яна бир ҳақиқат бор. Яъни энг гўзал таърифлар ҳам унинг илм-фан, маънавий ҳаётинида тутган ўрни ва аҳамиятини тўла очиб беришга қодир эмас.

Мамлакатимиз етакчиси марказга ташрифи чоғида “Бу улкан лойиҳа оддий бир чизма эмас. Уни юрак чизган, меҳр чизган, орзу ва армонлар чизган”, деган эди. Шу маънода марказнинг моҳиятини, қийматини тўла англаш учун уни бориб кўриш, бинонинг ҳар бир чизгисини, музейдаги экспонатларини, илмий салоҳиятини пухта ўрганиб, юракдан ўтказиб, ҳис этиш керак. Зеро, қалб қаридан чиққан ҳар бир фикр, сўз ва чизги юракларга етиб боради.

Шу ўринда яна бир ҳаётий ҳақиқат. Яқинда “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти жамоаси, бир гуруҳ зиёлилар билан биргаликда Ислам цивилизацияси марказига саёҳат қилган эди. Ушунда мажмуадаги уч минг йиллик тарихга асос бўлган экспонатлар билан танишиб, тарихимиз қанчалик бой эканини кўз олдимизга келтириб ҳайратландик. Биздан бошқа меҳмонлар ҳам худди шундай ҳайрат ва ҳавас билан музейни томоша қилар, бир-бирига ноёб экспонатлар ҳақида биланларини айтишга ошиқарди. Англадикки, шонли тарихимизни ўқиб-ўрганиш бошқа, уни яхлит ҳолатда кўздан кечириш бутунлай соҳир туйғу берар экан. Бу фикрни ўшанда мажмуа мутахассислари ҳам тасдиқлаб, “Сизлар меҳмонсиз, соҳангиз бошқа, ҳатто биз ҳам музейга ҳар сафар келганимизда доим ҳайратланамиз”, деди.

Дарҳақиқат, соҳаси тарихни ўрганиш бўлган, шу йўлда илмий ишлар қилган инсонлар, марказдан ҳар қуни камида битта янги фикр, факт топиб чиқаётганини айтиди. Шунинг ўзини уч минг йиллик давлатчилик тарихимизни кўз олдимизга келтиришда марказнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат, марказ фақат музейдан иборат эмас. У ерда экспонатлардан самарали фойдаланиб, шонли тарихимизни ўрганиш, илмий ишлар қилишга кенг имконият бор. Халқаро илмий ҳамкорлик йўлга қўйилгани бутун Ўзбекистон илм-фанда ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат. Зеро, юксак илмий нуфузга эга шахслар ва ташкилотлар

ўзига тенг кўрган инсонларгагина эшик очади, ҳамкорлик қилади. Қувонарлиси, энг нуфузли халқаро ташкилот ва таълим муассасалари марказ билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бошқалар ҳам илмий доирада алоқалар ўрнатиш иштиғи кучли эканини очиб айтайтиш. Биргина мисол, марказни лойиҳалаш, қуриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амириклари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа қатор мамлакатлардан юксак малакали мутахассислар ҳам фаол иштирок этди. Бунинг туб замирида янги Ўзбекистоннинг янгиланишлар, юртимиз илмий салоҳиятига тан бериш, унга ҳавас қилиш бор.

Инсоният тарихидаги буюк цивилизацияларнинг вужудга келиши солномачилар томонидан жуда кўп ўрганилган. Халқлар тамаддуни қандай бунёд этилиши илмий таҳлил этилган. Бугун тараққиётга қандай эришиш



Авалло, мамлакатимизда адолатни қарор топтириш учун халқ билан мулоқот йўлга қўйилди. Қисқа вақтда мулоқотнинг халқчил, масалалари жойида ҳал этишга қаратилган тизимлари яратилди. Айни пайтда мажбурий меҳнатга, болалар ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалда самара бера бошлади.

Ислам цивилизацияси марказидаги тарихий экспонатлар ва фактларни ўрганиш киши аждодларимиз доим инсонни улуғлаб, адолатни қарор топтириш иштиғида яшаганига амин бўлади. Марказнинг “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори” экспозицияси зали билан танишган эса ана шу аънава замонга мос шаклда янгича руҳ билан кечаётганини теран ангайсиз. Бу залдаги ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва, умуман “маҳалла еттичилиги”нинг рақамли “вакиллари” сизга бу ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Шунингдек, мамлакатимиз сўнги ўн йилликда жуда катта иқтисодий ўсish, соҳалардаги туб эврилишларга юз тутди. Буни изоҳлаш учун камбағалликнинг тан олинишидан

тамаддулар вақтида ҳам минтақалараро алоқалар, карвон йўллари илм-маърифат ташганига шубҳа йўқ. Мухими, у фақатгина Буюк ипак йўлидангина иборат эмаслиги, тарихимиздаги бундай цивилизациялар ўйланганимиздан анча кўп эканига амин бўласиз. Бейхитёр бугунги ислохотлар, янгиланишлар ана шу тарихий илдишлардан қувват олаётганига, бундай сўнмас қувватни тўғри йўналтири олиш келтирилган улкан саодат келтириши ҳақидаги ёруғ ўйлар қуришда қоласиз.

Яна бир муҳим жиҳат. Илмий салоҳият ҳамда иқтисод тараққий топши инсон маърифати, гуманистик ва бағрикенглик қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ.

Тарихдан яхши маълум, энг тараққий этган жамиятлар ҳам аввало ички бирдамлик сабаб юзага келган. Яъни қаерда инсонни тушуниш устувор бўлса, бағрикенглик барқарор ўрин эгалласа ўша жамиятда юртсеварлик юқори чўққига чиқади.

Юртимизда ривожланган давлат, эркин жамият пойдеворини бунёд этишда, энг аввало, илм ва таълим, таълим ва яна бир бор таълим деган олий мақсад ҳаётимизга жорий этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон маърифий сиёсати билан халқаро майдонда дунё сўзини айтиб келмоқда. Дунё мамлакатларини ҳар қандай зиддиятларини тинчлик, дўстлик ва тенг дипломатик алоқалар орқали ҳал этишга ҳақиқий келаяпти. Айна шу жиҳат билан ҳам халқаро майдонда янги Ўзбекистон нуфузи ошиб бораётгани айтиш ҳақиқат.

Шу ўринда муҳим бир фактни айтиб ўтиш керак. Бугун дунёда зиддиятлар авж олди. Халқлар, давлатлар ўртасидаги ишонч чуқур иқтидор эканлиги келиб қолди. Мамлакатлар сиёсати омга нонга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ана шу жараёнда яна бир қарра кўриб, қузатиб турибмиз.

Фахр билан айтганимизки, юртимизда 130 дан ортиқ миллилат ва этл вакиллари 16 хил диний конфессияга эътиқод қилиб келмоқда. Қувонарлиси, биз бир халқ, ягона ватан бўлиб, ўзаро ҳурмат, меҳр ва дўстона ҳаёт кечираёмиз. Бу бевосита юртимиздаги бағрикенглик сиёсатининг самарасидир. Айни пайтда улуг аждодларимиздан қолган бераҳо мерос ҳамдир. Давлатимиз раҳбарининг ибораси билан айтганда, тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараққиёт ва адолат бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!

Бўғбонлар яхши ҳосил олиш учун одатда пайванд усулидан фойдаланади. Илди-зи бақувват, танаси мустаҳкам бўладиган дарахтга ҳосилдор навадига ниҳол пайванд қилинади. Шу орқали бир оилага тегишли икки ниҳолдан янги, серҳосил дарахт ўсади. Тарихий илдишдан қувват олиб ёруғ келажакни яратиш эса бобгоннинг меҳнати, заковатидан минг; эҳтимом миллион қарра юксак билим, тафаккур ва матонат талаб этади. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳам ана шундай вазифани ўтайди. У шонли тарихимизни бугун билан боғлаб, ёруғ келажак қаволатини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Марказ ешларимиз орасидан янги хоразмилик, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийларни камол топтирадиган маънавий майдон, илм меҳваридир.

“Тарихдан яхши маълум, энг тараққий этган жамиятлар ҳам аввало ички бирдамлик сабаб юзага келган. Яъни қаерда инсонни тушуниш устувор бўлса, бағрикенглик барқарор ўрин эгалласа ўша жамиятда юртсеварлик юқори чўққига чиқади.”



мумкин деган саволга жавоб изласангиз ана шу илмий таҳлиллар асосидаги фактларга дуч келамиз. Биз ушбу фактлардан айримларини санаб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, жамиятга адолат қарор топиши керак. Бу инсонларга бирдек имконият, шароит яратиш истисноларга йўл очади. Шу орқали мамлакатда юксак малакали кадрлар синфи пайдо бўлади. Улар эса тараққиёт асосий қувватини ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодий ўсиши зарур. Иқтисоди мустаҳкам бўлган жамиятда ўқиб-ўрганишга, янгиланганга интилиш учун етарлича куч пайдо бўлади. Ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш осон кечади.

Учинчидан, халқ миллий ўзлигини янада тيرانроқ англаши зарур. Бунга ҳозир мамлакат ривожланишининг асосий пойдевори сифатида қаралиши бежиз эмас. Миллий ўзлики англаган жамият маърифат нури ила яшайди, қалбида ватанпарварлик ҳисси кучли бўлади. Бунинг учун аждодларимиз орзуси каби жамиятга фозил одамларнинг

шаҳрини яратиш иштиғи устувор бўлиши керак. Бутун жамиятда бир вақтнинг ўзида бундай иштиғини уйғотиш, миллий ўзликини теран англаштиш осон эмас! Аммо янги Ўзбекистон мисолида бунга ҳавас қиларлик даражада удалай олишимизга амин бўлиб бораёмиз.

Зеро, мамлакатимиздаги ислохотларни бирма-бир таҳлил этсангиз, масқур факторларнинг барчаси рўёбга чиқаётганини кўрасиз. Бунга бевосита Ислам цивилизацияси маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эндиги фикримизни юқоридagi факторлар шарҳи билан давом эттирсак.

тортиб, тадбиркорлик, иш ўринлари яратиш йўлидаги имконият ва имтиёزلаргача бўлган ўзгаришларни том-том китоб қилиб изоҳлаш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон дунёга очилган хорижий сармоядорларнинг катта оқими иқтисодий ҳамкоримизга айланади. Ҳатто бутун бир минтақа миқёсида ҳамкорликлар йўлга қўйилмоқда.

Цивилизация марказида ўз аксини топган исломгача бўлган даврда ҳам, ундан кейинги



Эътироф

ДОВРУҒИ ДУНЁДА ДОСТОН

Айни пайтда халқларимизнинг ўзига хос тарихий-маданий меросига асосланган минтақавий ўзига хосликни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Кеча биз Ислам цивилизацияси марказини зиёрат қилдик. Бу улкан ва ноёб ишоот. Дарҳақиқат, бу илмий, туристик ва этномаданий лойиҳадир.

Ўзбекистон Президентининг фикрига қўшиламан: Ислам цивилизацияси маркази бу ерда — Тошкентда, жуда муҳим соҳада илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун умумий майдончага айланиши мумкин.

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти

Мен бунга ўхшаш марказни аввал ҳеч қаерда кўрмаганман. Ислам цивилизацияси маркази ниҳоятда замонавий ва гўзал ушбу давлатда қурилган ва яратилган. Бугун мен жуда кўп нарсани ўргандим ва албатта бу ерга яна қайтаман. Сербиялик барча ватандошларимга бундай деган бўлардим: “Азизларим, мен жуда катта хато қилганман, чунки бу мамлакатга илгари ҳеч қачон келмаганман. Илтимос, имкон қадар тезроқ Ўзбекистонни кўриш учун келинлар”.

Александр ВУЧИЧ, Сербия Президенти

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюриб, марказнинг кенг қамровли экспозициялари билан танишдик. Масқур маскан меъморий ечимлари, замонавий технологиялар ва бой маданий-таълимий мазмуни билан ажралиб туради. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун муҳим илмий-маърифий марказ эканини яққол намойён қилади. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилда илгари сурган ташаббусининг самараси бўлиб, бутун ислом дунёси маданий меросини асраш ва тарғиб қилиш йўлидаги муҳим илмий марказга айланган.

Атагелди ШАМИРАДОВ, Туркменистон маданият вазири

Лойиҳанинг кўлами ва илм-фан асосида ташкил этилгани менда улкан таассурот қолдирди. Марказдаги ҳар бир экспозиция Уйғониш давриларини чуқур ёритиб, Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт йўлини жонли акс эттирмоқда. Тарихий экспонатларнинг бойлиги ва ноёб артефактларнинг бир масканда тўплангани — катта меҳнат ва юксак масъулият маҳсули эканини кўрсатади.

Эмерик ВИНЕНЖЕ, Франция Қуrollи кучлари вазирлиги генерали

Ўзбекистонда бунёд этилган Ислам цивилизацияси маркази нафақат минтақамиз, балки бутун ислом олами, қолаверса, бутун дунё учун ҳам жуда муҳим. Марказнинг меъморчилиги, ташқи кўриниши ва мазмуни барча эибератчини ўзига ром этиди.

Уйлаймизки, жаҳон учун алоҳида аҳамият касб этадиган ушбу марказ келгусида маданият, илм-фан, таълим маскани сифатида фаолият юритади. У жуда бой мазмунга эга, кўплаб экспонатларга бой. Бу ерда тўпланган ҳамда ислом цивилизациясининг

Ўзбекистон тарихи ҳақиқатан беқиёс. У беш минг йиллик тараққиётни қамраб олган улкан цивилизациядир. Бир миллионга англаш учун унинг тарихини билиш керак. Бу ерда эса тарих жуда бой. Инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган кўплаб илмий ва маданий ютуқлар айнан шу заминдан келиб чиққан. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги тарихий мероси, илмий ютуқлари ва маданий цивилизациясидир. Масалан, алгебра ёки тиббиёт соҳасидаги илк мукамал илмий асослар шу юртдан келиб чиққанини кўпчилик билмайди. Мен бу ташрифдан жуда руҳландим.

Сантьяго ПЕНЬЯ, Парагвай Республикаси Президенти

Ислам — тинчлик, одамийлик, бағрикенглик дини. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган Ислам цивилизацияси марказининг асл мақсади ҳам табарруқ динимизнинг ҳақиқий инсонпарвар, илм-маърифат дини эканини намойён этиш. Бу борада мен Ўзбекистон ҳукуматини табриқлайман. Чунки айнан ушбу марказ исломнинг улугвор маърифатчилик ғояларини бутун дунёга тарғиб этиб, ҳозирги ёт ғояларга ва таҳдидларга муносиб жавоб беради.

Султон РАЕВ, ТУРКСОЙ Бош котиби

Бу каби марказни дунёнинг ҳеч бир жойида кўрмаганман. Бу ерга кирган одам тарихнинг турли давриларида саёҳат қилгандек бўлади. 3D сахналар, мультимедияли тақдиротлар ва илмий изоҳлар ўтмишни айнан кўз олдингизда жонлантиради. Ўзбекистон минг йиллик илм-фан меросини бир жойда жамлаб, замонавий талқинда намойиш эта олгани жуда катта ютуқ.

Рана Иҳсаан АФЗАЛ, Покистон Бош вазири девониди савдо бўйича координатор

Адил КАРИМЛИ, Озарбайжон маданият вазири



# ТАМАДДУН тафаккури

## Фотосаёҳат


“Ўзбекистон заминида исломгача бўлган давр” экспозиция залида 250 метр узунликдаги **“ВАҚТ ДЕВОРИ”** ташкил қилинган. Бу деворда халқимизнинг камида 3000 йиллик давлатчилиги тарихи барельеф, миниатюралар ва маҳобатли рангтавсир асарлари кўринишида акс эттирилган.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН


## “БИРИНЧИ РЕНЕССАНС”

экспозицияси VIII-XIII асрларни қамраб олиб, экспозицияда исломнинг Мовароуннахрга тарқалиши, маҳаллий аҳоли маданиятига таъсири, Мовароуннахрнинг ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган олимлари мероси кўрсатилади.



# МИЛЛИЙ ЗЕХНИЯТ МАРВАРИДИ

Ислом цивилизацияси марказининг меъморий улугворлиги шундаки, мухташам иншоотнинг энг кичик элементи ҳам ўзига хос рамзий маъно юклатилган. Мажмуадаги ғоянинг нафислиги боис, исталган ташриф буюрувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўтмиш салобатини яқиндан ҳис қилади, ҳам келажакнинг юксак уфқлари сари одимлашда онгида миллий зеҳният оқимларини очади.



Улугбек дарвозасидан киришда, марказ фойесига жуда катта **“ШОН-ШАРАФ ЗАЛИ”** сизни кутиб олади. Залнинг периметри бўйлаб ярим овал 14 та равоқ жойлашган. Ушбу равоқларда буюк алломаларимиз ва тарихий шахслар фаолияти рангтавсир услубида, хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишланган.


**“ИККИНЧИ РЕНЕССАНС”** экспозициясида Амир Темур ҳукмронлиги ва Ўзбек хонликлари давридаги маданий-маърифий ҳаёт акс эттирилган. Унда Амир Темур даврига оид кашфиётлар ва илмий ютуқлар харитаси илк бор намойиш қилинган.



**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ РЕНЕССАНС”** экспозициясида мамлакатимизда сўнгги тўққиз йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жараёнлар, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ёритиб берилган.

Марказнинг энг асосий қисмида **ҚУРЪОНИ КАРИМ ЗАЛИ** бунёд этилган. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — VII асрда қўлда кўчирилган Усмон Мухсафи ва яна турли даврларда кўчирилган 114 та нодир Қуръон қўлёзмалари жойлаштирилган.


# УЧ РЕНЕССАНСНИНГ ТҲҲРТ ДАРВОЗАСИ



**УЛУҒБЕК ПОРТАЛИ** — марказнинг юраги. Баландлиги 37,7 метр, эни эса 33,7 метр. Пештоқи уч қисмдан иборат бўлиб, уч Ренессанс даврига ишоради. Портал нақшларидаги симметрия эса тил ва дил уйғунлиги, халқ бирдамлиги рамзи. Марказ биносининг асосий дарвозаси сифатида Улугбек портали музейга кириш эшиги ҳисобланади. Ушбу портал Самарқанднинг Регистон майдонидаги Улугбек мадрасаси портали безакларига уйғун ҳолда қурилган. Портал пештоқида Қуръони каримнинг илмга тарғиб қилувчи оятлари сулс ва куфий хатларида битилган.



**ҚҲҚОН ПОРТАЛИ** — илм ва маърифат эшиги. Жанубий қисмда жойлашган бу портал орқали марказнинг кутубхонасига кирилади. XIX аср Қўқон наққошлик мактаби услубида безатилган. Дарвоза уч қисмдан иборат бўлиб, у ҳам уч Уйғониш даврига ишора қилади. Порталда Аллоҳнинг 99 сифати битилган. Қуръон оятлари эпиграфик нақшлар билан уйғун ҳолда дарж этилган.



**БУҲОРО ПОРТАЛИ** — маънавият дарвозаси. Унинг меъморий ечимида Бухоро шаҳрида шакланган миллий услуб мужассам. XII асрдаги Мағоки Аттор масжиди ва Баёнқулихон мақбараси безаклари портал дизайнида ижодий қўлланган. Фасади тинчлик ва бағрикенглик рамзи бўлмиш фирузанг кошинлар билан безатилган.



**ХОРАЗМ ПОРТАЛИ** — коинот уйғунлиги. У безаклари билан қадимий Хоразм меъморий анъаналарини намоён қилади. Геометрик нақшлар коинот қонуниятлари ва бунёдкорлик рамзи, ислимий нақшлар эса янгиланиш ва бардавомлик маъносини билдиради. Марказдаги саккиз қиррали юлдуз эса алоҳида эътиборга молик. У ислом санъатида коинот уйғунлиги ва чексизлик тимсолидир.

# ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДИР



Улуг аждодларимизнинг ҳеч бири райат ахволдан йироқ бўлиб, маҳалладан, эл-улусдан беҳабар яшамаган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий “Хайрат-ул аброр” асарида маҳалла ҳақида сўз юритиб, уни “шаҳар ичра шаҳарча” деб атайди:

“Шаҳарлар отини маҳаллот этиб, Бўлди чу юз шахр Ҳири от этиб”.

Шунингдек, “Вақфия” асарида мутафаккир ўзи яшаган маҳаллада кўплаб хайрия ишларини амалга оширгани баён этилади. Навоий ўз ҳисобидан маҳалласида масжид, мадраса ва мактаб қўрғирган. Ариқлар қаздириб, маҳаллани боғу бўстонга айлантирган. Унинг ҳомийлигида маҳалла йўллари таъмирланиб, ариқлар устига мустаҳкам кўприклар бунёд этилган.

Соҳибқирон Амир Темури “Тузуқлар”ида жамоа бўлиб яшаш, худудларда одамларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатликда ҳаёт кечирини ағона тизимга солгани, қатъий қонун-қоидалари ва бу борадаги тажрибаларининг ижобий жиҳатларини баён этади:

“Амр қилдимки, уруч кунларидо ва салтанат ишларини бошқаришда минбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники қўл остидагиларга жерий этилади. Азар бу тузуққа қаршилик қилсалар, жазога тортилсинлар”.

Интизом, раҳбар топшириғига риоя қилиш ва вазифаларни ўз вақтида бажариш шарқона бошқарув асоси ҳисобланган. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг жамият ҳаётида ўрни борлигини, унда кечаётган ҳодисаларга дахлдорлигини билдириб, ташқаридан келадиган хатарларга қарши бир жону бир тан бўлиб, қатъий тартибда бирлашишига хизмат қилган. Амир Темури фуқароларни умумманфаат атрафида бирлаштиришнинг энг адолатли йўлини топгани учун ҳам узоқ ҳукмронлик қилган. Шак-шубҳасиз, унинг минг-минглаб кўшинлари ортида минглаб оилалар, маҳаллалар ҳамда ўз раҳбаридан меҳру шифат, адолат химоят кўрган халқ турган. Айнан шу бирлашув Амир Темури ғалабаларига замин яратган.

Абу Наср Форобий бундай ёзади: “Ҳар бир инсон ўз табияти билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, улара эза бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тузилади”.

Демак, инсон даврага интилади, атраф-муҳит билан ҳамнафас яшайди. Унинг моддий жиҳатдан камчилиги бўлмаслиги мумкин, аммо моддий унинг том маънодаги бахтини тазминлай олмайди. У руҳий маданини, қувватни одамлардан олади. Инсон жамиятдан ўзига руҳий шериклар, маънавий фикрдошлар топади.

Тарих саҳифаларини арақлаганимизда, инсоният бундан уч минг йиллар олдин ҳам яғона эътиқод остида бирлашиб, жамоа бўлиб яшаганини кўраемиз. Маҳалла тушунчасининг ўша замонлардаёқ илдири отганига амин бўламиз. Оғир кунларда елкадош бўлиб синовлардан ўтиш, бахтли кунларни биргаликда яратиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бамаслаҳат ҳал этиш, солиқ тайинлаш ва йиғиш, душман бостириб келганда сафарбарлик эълон қилиш, тангмилар билан сулҳ тузиш, тўқнашувларни тўхтатиш ва урушларнинг олдини олиш учун ҳам бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла бўлиб яшаш тажрибаси мавжуд эди. Милоддан аввал ташкил топган Қанг, Давон давлатларида бу тузилма оқсоқоллар кенгаши сифатида фаолият юритгани тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Шонли тарихимиз кўрсатадики, бир мақсад атрафида бирлашиш бизга ота мерос, бобо мерос бўлиб келган. Янги Ўзбекистоннинг



Зулфия МҰМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳалла тизимида инсон қадрини олий ўринга кўтарди. Юртимизда фуқаролар манфаатлари ҳар нарсадан устун. Миллий қадриятлар асосига қурилган ва юксалаётган жамиятимизда ахлоқий фазилатларимизнинг барчаси келажак авлодга синдирилиши керак. Шунинг учун ҳам бизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган гап бор.

Бизнинг ҳар биримиз етти маҳалла ёшларининг тарбиясига маънавий жавобгармиз, масъулмиз. Ўз вақтида оиламизда камол топаётган фарзандлар маҳалла, қўни-қўшинлар билан муносабатда шаклланади. Ақллари таний бошлаган, маҳалладаги теңдошлари даврасидан руҳий андоза олади. Унинг ахлоқий тарбиясига маҳалла мухити кучли таъсир ўтказиши керак. Ҳар бир маҳалланинг фахри бўлган иззатли инсонлари бор. Одамлари меҳнаткаш, маърифатли, ҳалол, меҳрли ва сабрли маҳаллалардан файз аримайди. Айнан ўша маҳаллалар одамлари камбағал бўлмайди, ўзига тўқ яшайди. Барака, аввало қатъий тартиб, меҳру оқибат, бир-бирини яшаш, тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва бир муш бўлиб бирлашишидир.

Азалдан хунарманд одамлар яшайдиган гўшалар обод бўлган. Яъни одамларни меҳнат, хунар ва маърифат бирлаштирган. Маҳаллаларнинг номлари ҳам аҳоли шугулланган хунарманлик тури билан аталган. Масалан: Темирчилик, Косиблар, Наққошлар, Каштакчилар, Тўқимачилар, Арқончилар, Новвойлар, Патирчилар, Қандолатчилар, Эгарчилар, Заргарлар, Зардўзлар, Теллақфурушлар, Чилангарлар ва бошқалар. Маҳалла аҳолисининг ҳам биргаликда қилинган меҳнат, хунарни қизган-маслик каби олижаноб фазилатларда кўриш мумкин.

Бир-бирини таниган, оғир пайтда қўл чўзган, дардингни, оилавий аҳволингни кўзингдан қараб билган маҳалладошлар ҳақида “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшининг яхши”, “Ён қўшининг — жон қўшининг”,

“Гилам сотсанг қўшинингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан”, “Қиёмат куни қўшнидан сўралади” деган пурмаъно гаплар бор. Бу гаплар замирида олам-олам маъно ётибди. Маҳаллани менсимайдиган, топган бир даста пулига маҳлиё бўлиб, ўзгаларни масхаралайдиган каслар бора-бора маҳалладан айрилиб қолади. Маҳалладан айрилиб қолиш эса оғир исноддек гап.

Атрафдоғилар кўрганида тескари қараб ўтишидан ҳам хунук манзара бормикан? Маҳаллада бирор тадбир еки маслаҳат йиғини бўлсаю, кўпчилик “Эй, фалончини айтманлар, ҳамманинг дилини вайрон қилади, ўша билмай қўя қолсин”, дейишларидан асрасин. Шунинг учун ҳам маҳалланинг обрўли инсонлари маҳалла билан ҳисоблашмай қўйганлар билан алоҳида гаплашадиган, қўнглига йўл топиб, маҳаллага қўшилишига эришади.

Бу борада ҳам масалага ижобий ёндашиш керак. Яхши одам бўлиши мумкин, аммо бандлиги тудайли маҳалла идорасига кириб-чиқишга вақти йўқдир. Баъзан “Сулaimон тоғнинг олдида келмаган экан, тоғнинг ўзи Сулаймоннинг ёнига борибди”, деганларидек, ўша одамнинг олдида “маҳалла еттилиги” бориши, маҳалладаги ишларга иш топишда, муҳтожларга муруват кўрсатишда унинг салоҳиятидан фойдаланиши ахши натижалар бериши тажрибада ўз исботини топган.

“Маҳалла менга нима берди?” дейдиган эмас, “Мен маҳаллага нима бердим?” дейдиганлар кўпайди. Эгуликлардан руҳланган одамлар ўз-ўзидан маҳаллада бирлашди. Биргаликда эришадиган утуқларимиз ҳам бизни янада жипслаштирди.



2026 йилнинг юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлангани ҳам биргаликда эришмоғимиз шарт бўлган мақсадларга илҳомлангандир. Бугунги кунда маҳаллаларимизга 5-6 йил келмаган одам уларни таний олмайди. Муҳташам биналар, равон йўллар, кўркам гузарлар қад ростлади. Замонавий мактаблар очилиши, жамиятда ўқитувчиларнинг макони кўтарилиши, марказдан то энг чекка худудлардаги маҳаллаларимизга табиий хизмат сифати олаши халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил этилган “Маърифат қаровони” лойиҳаси кириб бормиغان маҳалла қолмади. Лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги Ислоом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Цивилизациялар —



давра суҳбатлари, яқна тартибдаги мулоқотлар ўз самарасини берди. Лойиҳа натижасида одамларда ишлашга иштиёқ ошганига гувоҳ бўлдик.

“Маънавий кўмакчи”ларнинг фаолияти, айниқса, хотин-қизлар орасида яғна самара бермоқда. Халқимизда “Эл онасига эршади”, деган нақл бор. Бунда ҳам кўп ҳикмат яширинган. Бу ҳикматли сўзни яшашга, интилишга рағбат ошириш учун қўллаш мумкин экан.

Ўзим “маънавий кўмакчи” бўлиб иш юритган 5 та маҳалла раисларидан олган хулосаларим кўрсатдики, маҳаллаларда маънавий муҳит кескин ўзгарди. Эрта-кеч кўчага чиқиб, нималардандир нолиб, ғийбат қилиб ўтирадиган аёллар аста-секин камаймоқда. Эри даромад топиб келадиган ёки турмуш ўртоғи хориждан келган аёлларнинг айрим айёлларнинг кафедалардаги беҳуда кўнгличлар ўтиришлари қисқариб, улар “маҳалла еттилиги” тақлиф этган ишларга жойлашиб, даромад топа бошладилар.

Тўғриси айтиш керак, дастлаб иш тақлиф этилган қорхоналарда маош 2-3 миллион сўмдан бошланади. Иш жойининг маҳаллага яқинлиги, йўлга узоқ вақт ва йўлқира сарфламаслиги каби қулайликларни “маънавий кўмакчи” тушунтириб боради. Энг муҳими, бир неча ойдан кейин машинанинг ошиши, маҳалла ва қўни-қўшинлар олдида “ишсиз” деган ёрликнинг олиб ташланиши уларнинг ҳаётига илқикли, ёруғ нур олиб кириди. Маҳалла ёрдами билан касб-хўнара курсларида бепул ўқиб, тиқиш маҳалларида ўз меҳнатига яғнаша маблағ топа бошлаган аёллар билан суҳбатлар уларни маҳалла билан боғлаш нақадар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

Эрта, бу ишга бирдан, оммавий киришиб кетилгани йўқ. Аммо 1 та “маънавий кўмакчи” дастлаб 2-3 кишига руҳан кўмак берган бўлса, 1 ой ичда 10 та, 2 ой ичда 20 та, 4-5 ой ичда эса 50 дан ортқ одамнинг иш топиб, катта хоҳиш билан меҳнат фаолиятини бошлашига сабаби бўлиши мумкин.

Аҳолининг ижтимоий фаолиги оширилиши умумий кайфиятга таъсир қилади. Китеб-хонлик маданиятини юксалтириш ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш ишлари “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ёз фаслида, минг-минглаб ўқувчилар таштифта чиққан, иштирокчилар қамровини кенгайттирди. “Китоб қаровони” орқали маҳалла кутубхоналарига тўхфа сифатида дурдона асарлар кириб борми, китебсеварларнинг адиб ва шоирлар билан жонли мулоқотлар ўтказиши унутилмас хотирага айланади.

Яқинда 94 ёшни қарши олган устоз журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра Садуллаева билан маънавий юксалтириш ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Унинг тўқилгани айтган гаплари ҳеч ёдимдан чиқмас керак. Нуруний адибамиз бундай деди:

“Президентимизнинг ўзи юртимиздаги оддий халқ билан тез-тез учралиши, маҳаллаларга бориб, нурунийлар билан қулоқ очиб кўришиши, жасжас болаларни баерига босиб гапилиши, олис қишлоқларга ташириб буюрганида хонадонларга кириб, халқимиздан ҳақ-аҳвол сўраши барчамизнинг кайфиятимизни кўтарди. Шу улуг ёғна етганига мен ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучуғини кўп бошдан ўтказдим.

Журналист ниҳонимда олис қишлоқлардаги томидан чакка ўтган мактаблар, ўнқур-чўнқур йўллар, пастак, паҳса деворли қишлоқ ховлилари, ўйлардан бир этак зўдақлари билан тонгданоқ пахта даласига йўл олган қишлоқ аёллари, юкумли касаликларга тўлиб кетган ишқонаналар кўз ўнгимдан кетмайди. Катта-катта маҳалларга ўртасида битта ё иккита дўкон бўлади. Бозорлардаги антисанитария ҳолатини эсласам, ҳамон дилим қайғуга тўлади.

Мана бугун тўйлар “Маромийлик” лойиҳаси асосида ўтмоқда. Одамларнинг кайфияти миллий ўқишларимиз, бахшиларимиз айтган достонлару ўлганларга алоҳида бўлмоқда. Азиз юртдошларимизнинг юрши-турушлари, кийинишлари қараб эзвланган ва маданият ҳам жамиятнинг маънавий юксалиши эканига амин бўлам.

Бугун маҳаллаларимизни кеziб, кўнглинг ярайди. Тўғри, кейинги ишларда оғим оқсаб, панд бермоқда. Аммо фарзандларимиз атомашинада ҳафтада икки марта шаҳримизни ва юртимиздаги янги ишчиолиларни томоша қилишга олиб боради. Юрт зўзалларини кўриб кўнглим ошди, дилим ярайди. Шунинг учун фарзандларимиз менга тез-тез сайра олиб чиқишни одат қилган. Юртимизнинг жаннатий жамоатини кўришга етказилган шукр”.

Дарҳақиқат, маҳалла ахси орасида кўпчилик бўлиб зияратларга бориш, театр ва томошаларга оилавий ташириб буюриш урфга айланади. “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари бўлган махшур олимлар, санъаткорлар, адиб ва шоирлар Қорақалпоғистоннинг Мўйноғидида овуллардан то Қашқадарёнинг энг чекка қишлоғи Ёлгонга, Сурхондарёнинг Бойсундаги Юқори Мачайига, Фарғонанинг Сўхно Навоий виллоятининг Танги Жуманганга, Самарқанд вилояти Урганч туманидаги Чорчинор, Жиззахнинг қайта чирой оған Манас маҳалласига янги Ўзбекистон руҳини, абадий барҳаёт қадриятларини, маънавий хазинасини ташиб ороучи қаровон бўлиб кириб бори.

Президентимиз бошлаб берган бу муҳташам қаровоннинг нури манзиллари маҳалладошларимиз даврасида, маҳаллаларимиздадир. Зеро, умримизнинг мазмуни шу ватанга хизмат қилишдир. Маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятимизни юксалтиришда фидойилик кўрсатиш ҳар биримизнинг виждон ишимиз.

# САХОВАТ ВА МУРУВВАТ хонадонларга ижтимоий кўмак бўлиб кирди

Бу йилги Рамазон ойи юртимизда ўзгача шуқуқ, кўтаринки руҳда ўтди. Азалий қадриятларимизга йўғрилган хайр-саховат, меҳр-оқибат, эзгулик ағваналари юртимиздаги бунёдкорлик ислохотларига уйғунлашди. Муборак ойнинг сўнги кунларида мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеа — Ўзбекистондаги Ислоом цивилизацияси марказининг очилиши ҳали узоқ йиллар катта ҳаяжон билан тилга олинади. Салкам тўққиз йил давомида бунёд этилган улугвор ва ноёб мажмуанинг муборак ойда расман ишга тулувиши, шу кун ифторлик маросими ташкил этилгани аждодларимизга чўқур ҳурмат, улар номини ёд этиш белгиси баробарида, динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир бор ақ эттирди.



Эзгулик ва меҳр-оқибат рамзига айланган Рамазоннинг туб моҳиятида ҳам инсон қадри, бирдамлик, ўзаро ҳурмат, ўзгаларга яхшилик муҳассам. Бу йил юртимизда ана шундай ишлар янада кенг қулоқ ёйгани, муборак ой чин маънода саовли ишларга бой ўтганига гувоҳ бўлдик. Ёрдамга муҳтож оилаларга алоҳида ғамхўрлик, эътибор кўрсатилди. Давлат ва нодавлат ташкиллардан, мутасадди тузилмалар, саховатли тадбиркорлар томонидан кекса ва ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланган оилалар, кўмакка муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам берилди.

17 февралдаги тегишли қарори билан эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари белгилангани қўллаб оилаларга қувонч олиб кирди. Унда айрим тонфадаги оилаларга 1 миллион сўмдан, камбағал оилаларга 500 минг сўмдан бир маргалик моддий ёрдам берилиши, ижтимоий реестрдаги оилаларнинг бемор 6000 аъзосининг даволаниши харажати қопланиши кўзда тутилган эди. Бунинг учун “Вақф” хайрия жамоат фондига 800 миллиард сўм ажратилди.

Мазкур маблағ муборак ой давомида барча худудда шакллантирилган рўйхат асосида ўз эгаларига топширилди. Бу шунчаки моддий кўмак эмас, балки мамлакатимизда ҳар бир киши

эйтиборда экани, инсон қадри улуғланиши, эзгулик қадриятларининг ёрқин намунасига айланади. Буни юртдошларимиз ҳам ҳис этди, қувонди. Кексалар қўлини дуога очиб, бугунги кунлар учун шукрона келтирди.

Тошкент вилоятида яшовчи ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор кишилар, кам таъминланган оилалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Рамазон ойи муносабати билан вилоятдаги 48 мингдан ортқ фуқарога бир маргалик моддий ёрдам пули ажратилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси мутасаддилари, маҳалла вакиллари ушбу фуқаролардан ҳар бирининг хонадонига бориб, улуг айём кунларида ҳолидан хабар олди, ёрдам пули, даволаниш учун ваучерларни топширди.

— Рамазон ойида ажратилган 1 миллион сўм моддий ёрдам оиламиз учун айни муддао бўлди, — дейди Бўка тумани Янгиқўрган маҳалласида яшовчи Одина Муталиева. — Турмуш ўртоғим ва фарзандимда ногиронлиги бўлгани боис, доим қўшимча харажати бор. Рўзгор тебратилган ташқари, дори-дармонга пул керак. Давлатимиз бизни ҳеч ҳам ёлғизлатиб қўймайди. Оиламиз ижтимоий реестрга киритилгани ҳам анча енгиллик бўлди. Маҳалла фаоллари доим аҳволимиздан хабардор бўлиб туради. Ғамхўрликдан қувонамиз.

Урта Чирчик туманидаги “Ким Пен Хва” МФЙда ҳам эҳтиёжманд 38 оилага 1 миллион сўм ҳамда 500 минг сўмдан бир маргалик моддий ёрдам берилди. Маҳаллада яшовчи ногиронлиги бўлган фуқароларга эса даволаниш учун ваучерлар топширилди. Мазкур ваучерларда ҳар бир беморнинг аҳоли, табиий ҳолатидан келиб чиқиб ажратилган сума кўрсатилган. Мўсыллар мулоқот давомида беморлар ва яқинларига махсус ваучер асосида ажратилган маблағ эвазига даволаниш тартиби ҳамда қўшимча кўмак турлари ҳақида ҳам тушунтириш берди.

Оҳангарон шаҳри Бўстон маҳалласида истиқомат қилдиган Хуршид Бўтаева “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан 40 миллион сўмлик ваучер топширилди. Гап шундаки, ушбу фуқаро 2-гурух ногиронлиги сабаб мустақил ҳаракатлана олмайди. Ижтимоий реестрга киритилган бўлиб, худудга бириктирилган ижтимоий ҳодим унинг ҳолидан доимий хабар олиб туради, зарур амалий ёрдам кўрсатиб келади. Маълум қилинишича, сал аввал фуқарога ногиронлик арачаси ажратилиб, фарзандларига нафақа тайинланган. Худуд масъулари кўмағида хонадон таъмирланиб, яшаш шароити яхшилланган. Саломатлигини тиклаш мақсадида бир неча бор бепул жарроҳлик амалиёти ҳам ўтказилган.

— Навбатдаги операция учун қарийб 38 миллион сўм зарур бўлди, — дейди ижтимоий ҳодим Хулқар Аширова. — Оиланинг шароити худди ақолини, маблағ тўлиқ хайрия тарзида қўллаб берилмоқда. Бунинг учун фуқарога 40 миллион сўмлик ваучер топширилди. Бу маблағ унинг даволаниш жараёнини давом эттиришга хизмат қилади. Қолаверса, бундай ғамхўрлик беморга умид бағишлаб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайпти.

Рамазон ойида саховат ва ижтимоий ҳимоя тизими уйғунлаштирилгани боиси ҳам шунда. Кўмакка муҳтож фуқаролар кўрсатилган хайрли ишлар, эзгу ташаббуслар орқали ижтимоий кўмакни, эътибор ва ғамхўрликни ҳис этмоқда.

Бундай эзгу амаллар мамлакатимизда доимий харақатга айланган. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳодим ишлапти, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ҳимоятга муҳтож одамлар доимий эътиборда. Бу эътибор шунчаки ҳақ-аҳвол сўраш билан чекланмайди. Оиладаги энг кичик муаммогача ўрганилиб, ечими берилаяпти. Улар бугун ёлғиз эмаслиги, давлат тиркач бўлаётганини ҳис этиб яшаётганининг ўзи энг катта эзгулик ва саховатдир.

Юртдошларимиз ҳам бу хайрли ташаббусларга хайрихоҳ. Шу кунларда юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган Рамазон ҳайити ва Наврўзи айём кунларида халқимиз эзгу амалларни давом эттириб, ёлғиз кексалар, кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олмоқда. Саховатли инсонлар ёрдам қўлини чўзяпти.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

# УМРБОҚИЙЛИККА ЮЗ ТУТГАН ИЖОД

Бир кун мактабимизда шoirлар билан ижодий учрашувга тайёргарлик бошланиб кетди. Биз, юкори синф ўқувчилари катта спорт залига жой хозирлаб, безатдик. Шoirлар келадиган кун мактаб ҳовлисида китоб савдоси ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Юк машинасида олиб келинган пештахта ҳамда боғлам-боғлам китобларни тушириш ва чиройли қилиб кўргазмага тайёрлашга кўмаклашдим.

ёхуд ХХ аср ўзбек шеърятининг энг забардаст вакили



ABDULLA ORIPOV

## Наврӯз

Аввал юрагинга мўралайди у,  
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.  
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврӯз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,  
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.  
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврӯз.

Она бағри каби илиқдир олам,  
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.  
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврӯз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,  
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.  
Яна дилдорликнинг фурсати етди,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврӯз.

Абдулла ОРИПОВ



Ўшанда саккизинчи ёки тўққизинчи синфда ўқирдик. Бадий адабиёт, ижодга қизиқишим шаклланиб бораётган, бош кўтармай китоб мурола қиладиган пайтларим эди. Асосан ҳикоя, қисса, романларни кўпроқ ўқирдик. Қарасам, китоблар орасида менга таниш номдагилари анча-мунча, ўқиб улгурмаганларим ундан-да кўп эди. Китобга бефарқ эмаслигимни кўриб, сотувчи аёл ёнимга келди.

— Пулинг етса, сенга битта китоб берман. Бундан ўзи бир дон олиб келганимиз, — деди у кутилар ичидан тўқ яшил муқовали қалин китобни олиб. — Харидори кўп. 2,5 сўм эвазига у сеники бўлиши мумкин. Ола-санми?

Ёнимда бунча пул йўқ, фақат тушлик учун берилган тийинлар бор эди. Китобни кўлимга олдим. Абдулла Ориповнинг “Йиллар армони” тўплами экан. Кўзим билан кўрмаган бўлсам-да, китоб 1983 йили чоп этилиб, тезда сотилиб кетгани, яқинда унинг иккинчи наشري ҳам босмаҳонадан чиққанидан хабарим бор эди. Халқимизнинг суюкли шоири ижод намуналарини газета, журнал ва дарсликларда ўқиганман, лекин бундай дурдона шеърлар жамланган салмоқли китобини биринчи бор ушлаб туришим эди.

— Оламан. Яшириб қўйинг, ҳозир келаман. Уйга бориб, бувим ё отамдан пул олиб келай, десам, учрашувни ўтказиб юбораман. Узоқ ўйламай, мени доим қўллаб-қувватлаб келадиган адабиёт муаллимимиз — Тўхтамурод аканинг ёнига бордим. Вазиятни тушунтирдим.

— Бунча яхши. Кел, бундай қиламиз: китобни мен сотиб оламан, сўнг сенга ўқишга бериб тураман.

— Йўқ, пул бериб турсангиз, китобни ўзим сотиб оламан, пулни эртага қайтараман, кейин керак пайти тўпламини сизга ҳам бериб тураман.

Тўхтамурод ака қайсарлигимдан мамнун бўлди шекилли, табассум билан ҳамёнидан пул чиқарди. Бу орада гала-говур бошланиб кетди. Гулдурос қарсақ ва олқишлар остида биз дарсликларимиз ва телекран орқали кўп кўрган, радиожилларда овозларини тинглаган Қўдус Муҳаммадий, Пулат Мўмин, Илёс Муслим каби болалар адабиётининг устунлари залга қатор бўлиб кириб келди. Учрашув бошланиб, давра аввал жонланиб, кейин қизиб кетди. Шейхонлик, куй-қўшиқ ва сахналаштирилган томошалар давом этиптию, хаёлим пештахта тагига яширилган “Йиллар армони” да: “Ишқил бўлган сўзга китобни бошқига (Тўхтамурод акага) бериб юбормасин-да”.

Йўқ, у сўзда турди. Учрашув тугаб, уч шоирни қураш олган ўқувчилар қатори ташқарига чиқдим. Китоб растасига яқинлашиб, пулни узатиб улгурмасидан сотувчи аёл китобни кўлимга тутқазди.



Ўша китоб ҳозир ҳам кутубхонам жонидида энг кўринарли ерда туради. Чунки 1987 йилда қайта нашр этилган шеър ва достонлардан иборат “Йиллар армони” тўпламини тез-тез жойидан қимирлатиб туришга тўғри келади. Салкам 40 йилдан бери уни ота-онам, сингилларим, фарзанд ва жиянларим, қолаверса, ижодкор дўстларим билан қайта-қайта варақлаймиз, унинг саҳифаларидаги битиклар орқали шоирнинг сирли ва сеҳрли оламига сайр қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 февралдаги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти атоқли намоёндаларининг таваллуд саналарини муносиб нишонлаш, китобхонлик байрамлари ўтказиш, ижодий меросини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, давлатимиз маҳфияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётган бетақдор ижодий мероси, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларини мадҳ этган етук бадий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳар қанча тадқиқ қилишга арзигулик.

— Устознинг беназир шеърятининг илк тўплами “Митти юлдуз”дан тортиб, умрининг охирига нафасида битган сўнгги сатригача она Ватанимиз ва халқимизга фидойиларча хизмат қилди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюشمаси раиси Сирожиiddин Сайид. — Абдулла ака бутун умр инсон фазлу камолини, виждон, имон ва эътиқодни тараннум этди. Унинг онага муҳаббати — Ватанга муҳаббат, Ватанга муҳаббати эса онага муҳаббат тимсолида тиллар ва элларда достон бўлди. Инсонга муҳаббати бутун инсоният ва бани башарга муҳаббатнинг оташин извори бўлиб янгради. Бор ҳаёти, бутун ижоди давомида бир умр инсонни конинот гултожи, дея шарафлади. Шу боис, ҳақиқатпарвар ва адолатўй шоир тубаник, ҳирсу ҳасад ва хиёнат, разилик ва қабихликдан нафратланиб ижод қилди, шеърлари билан жаҳолатга қарши курашди. Том маънода адабиётнинг ҳақиқий виждони бўлиб фарёд қилди.

Илк бор республика матбуотида “Абдулла Орипов” деган муаллиф имзоси 1959 йил 20 март кун пайдо бўлди. Ўша санада болалар ва ўқувчилар газетасида унинг “Қўшча” шеъри чоп этилди.

**Ҳоҳ бутуққа, гоҳ зулга кўнар**  
**Тиним билмас сайроқ кўшча.**  
**Нечун баҳор сени ром этган,**  
**Қайда эдинг баҳор келуңча?**  
**Кел, яшайлик, хамиша бирга,**  
**Бизда баҳор суллар барчаси.**  
**Билсанг мен ҳам чаман улканинг**  
**Шўҳ ва қувноқ шод ўшқачси.**


1965 йилда шоирнинг илк китоби — “Митти юлдуз” нашр этилди. Ўшанда Эркин Воҳидов “Митти юлдуз”нинг пайдо бўлиши шеърятимиз осмониде янги қувноқ, чарогон юлдуз пайдо бўлганидан дарақ беради” деб ёзган эди. Ундан кейин адабиёт оламида кечган жараёндан келиб чиқиб, замонавий ўзбек шеърятининг кейинги олтинчи йиллик йўли “Митти юлдуз”га қараб белгиланди, десак муболага бўлмас керак. Бундай қараш кўпала филолог олимлар, адабий танқидчи ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топиб келмоқда.

Шу ўринда дунё таниган ёзувчи Чингиз Айтматовдан ҳам бир иқтибос келтириш ўринли: “Катта шоир хамиша ўз вақтида майдонга келади, у — хамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, орзумидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодасидир. Бироқ энг асосийси, у ўз даврининг ҳақами ва куйчиси, у жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир — дарвиш. Буларнинг бари унга

қалб изҳорини ҳаммага бирдай тушунарли, сеvimли, шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис, шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юради. Абдулла Ориповнинг кўз олдимда ХХI асрга қадам қўйиш даврининг буюк маданий аҳамиятта молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади”.

Абдулла Орипов қолдирган адабий меросининг ўрганилиши ва тарғиб этилиши миллат маънавиятининг бардавомлигини англатади. У сингари миллат фарзандларининг юбилейини нишонлаш миллий маънавиятга умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётганининг яққол далолатидир. Бу каби саъй-ҳаракатлар ёшларда адабиётга, сўзга меҳр-муҳаббат уйғотади.

— Бутун бошли авлодлар шоирнинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат, олижаноб инсоний фазилатлар мадҳ этилган шеърятини руҳида камол топди, — дейди филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Олим Тошбоев. — Адабиёт



мухлислари шеърининг ажиб сеҳри, сўз қудрати ва тароватини Абдулла Орипов ижоди орқали ҳис этди. Унинг шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадонини йўқ десак муболага бўлмайд. Ижодкорни эъзозлаган, китобга ошўфталикни рағбатлантирган халқнинг эса қадри балан бўлади. Миллий ғоя, Учинчи Ренессанс пойдеворини адабиёт, хусусан, Абдулла Орипов шеърятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг маънавий-товий қиёфаси адабиётга муносабат билан белгиланади.

Алишер Навоий номидаги Миллий бог худудида қад ростлаган Адилбар хиебони 2020 йил 20 майдан маънавият, маърифат маскани сифатида ижодга ошўфта кўнгиллар, ижод аҳли, зиёли ва талабаларнинг сокин ва тароватли масканига айланди. Бу ерда ўзбек миллий мумтоз ва замонавий адабиётининг энг забардаст вакиллари ҳайкали қад ростлади. Улар орасида Абдулла Орипов сиймоси ҳам абадиятта муҳрланган. Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Қарши шаҳрида шоир номидеги ижод мактаби ҳам очилган бўлиб, бугун масканда ёш иқтидорлилар таълим олади.

Ўзбек адабиёти доимо ўз ўрнига эга катта мактаб бўлиб келган. Президентимиз таъкидлаганидек, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бутунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга

илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”.

Абдулла Ориповнинг халқимиз қалбига сингиб кетган ижод намуналари шу қадар кўпки, улар барча авлодлар учун олтин мерос бўлиб қолди. Шеърятга дастлаб “Митти юлдуз” тўплами билан кириб келган шоир деярли олтинчи йил мобайнида ёзилган асарлари билан ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди.

Энг муҳими, бу ижоднинг халқимиз маънавий камолотига таъсири йилдан йилга ортса оряптики, асло камаймайди. Саналар ўтиши, тузумлар ўзгариши, бадиятнинг ўзидеги ички емирилишлар туфайли муайян даврда катта шон-шўҳрат топган асарлар бора-бора ўз қийматини йўқотиши мумкин. Аммо Абдулла Орипов меросидеги асарлар наинки барча замонлар, балки бутун инсоният учун қадри. Зеро, унинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Ўзбекистон”, “Сен баҳорни соғинадингми?”, “Биринчи муҳаббатим”, “Аёл”, “Онажон” каби жуда кўпала ижод намуналарида инсонга хос бўлган бетақдор ва гўзал туйғулар, сеvimч ва соғинч ўзининг гўзал ифодасини топган.

— Ҳақиқий ижодкор ҳаётининг бирор лаҳзаси Ватан ва миллат туйғусидан айро кечмайди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов. — Агар шу туйғудан маҳрум бўлса, у ижодкор эмас. Биргина “Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал” деган мисра орқали ифода этилган ўтли фикр Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодининг асл моҳиятини акс эттира олади. Шеърларида шоир ушбу туйғунини миллий руҳ ва юксак бадият уйғунлигида бетақдор талқин этди. Эстетик тафаккурни ижод аҳли етишмоғи мушкул бўлган юксак чўққига олиб чиқди. Миллий адабиётнинг тараққиёт мезонларини белгилаб берди. Шеърятда ўзига хос аъналарига, муносиб издешларига эга мактаб яратди. У ижодининг аввалида ўз йўлини топган ва адабиётга ўз сўзини айта олган фавқуллода истеъдод соҳиби эди:

**Мен шоирман,**  
**Истанангиз шу,**  
**Ўзимники эрур шу созим,**  
**Бировлардан олмадим туйғу,**  
**Ўзга ҳам бермам овозим.**

Кўлига қалам ушлаб, шеър ёзишни няят қилган ўзбек борки, Абдулла Орипов номи қаршида бир дам ўйга толади. Йигирманчи аср ўзбек шеърятининг энг забардаст вакили

истеъдоди олдида ҳайратга тушади. Шоир шеърятининг сеҳру жозибаси, оҳанрабоиси шундаки, ундаги ҳар бир сўз нафосати билан ўқирмани ўзига асир этади. Руҳини кўтариб, умид илдизларига сув қуйиб, қувватлантиради. Ингилиш учун чексиз сарҳадлар сари йўналтиради. Шунингдек, беназир шоирнинг ўлмас шеърлари ҳали яна қанчадан қанча қалбларга илҳом солади. Унинг шеърятини умрбоқийликка юз тутган назмдир.

Дарвоқе, ўшанда эртаси кунни Тўхтамурод акага пулни қайтардим. Тахминан бир йилдан кейин мактабни битириши арафасида эса Чорсудаги китоб дўкониде “Йиллар армони” сотилаётганини устидан чиқиб қолдим. Ўйлаб ҳам ўтирмай, бир донасини сотиб олиб, адабиёт ўқитувчимизга совға қилган эдим.

Яна бир гап. Сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов билан икки марта — Ёзувчилар уюشمасининг аввали биносиде ва Навоий кўчадаги Муаллифлик хукуқини ҳимоя қилиш давлат агентлигида юзма-юз кўришиш ҳамда суҳбатидан баҳраманд бўлиш на-сиб қилган. Тафсилотларни мавриди билан қоғозга тушириши ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ  
МАТЕРИАЛЛАРНИ  
ЛОТИН ЎЗУВИГА  
АСОСЛАНГАН  
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА  
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР  
QR-КОДНИ  
СКАНЕР ҚИЛИНГ.